

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ



10.24412/2181-1784-2021-1-707-712

Собиров Ж.А.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро
илмий-тадқиқот маркази,
Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

Annotation. This article highlights the contribution of international regional organizations to the development of Central Asian Countries. The importance of regional organizations, in particular, the Shanghai Cooperation Organization, in the development of Uzbekistan in various fields was highlighted. The importance of the participation of Central Asian countries in the SCO and their impact on the integration process within the organization was discussed in this article.

Keywords: Central Asia, Cooperation Council of Turkic-speaking states, CIS, integration, cooperation, Shanghai Cooperation Organization, strategic goal, democracy.

Аннотация. Уибӯ мақолада халқаро минтақавий ташкилотларнинг Марказий Осиё давлатлари ривожида қўшаётган ҳиссаси ёритилган. Ўзбекистоннинг турли жабхаларда ривожланишида минтақавий ташкилотларнинг, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аҳамиятига тўхталиб ўтилган. Мақолада Марказий Осиё мамлакатларини ШХТдаги иштирокининг аҳамияти ва ташкилот доирасида интеграцион жараёнларга таъсири каби масалаларга доир фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калим сўзлар: Марказий Осиё, Туркӣ тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаси, МДҲ, интеграция, ҳамкорлик, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, стратегик мақсад, демократия.

Халқаро ташкилотлар воситачилик, низоларни ҳал қилиш, тинчликни сақлаш, санкцияларни қўллаш ва бошқалар каби халқаро сиёсатнинг муҳим эпизодларида муҳим рол ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда; ташкилотлар хусусий шахслар эмас, балки давлатлар ўртасида келишув асосида тузиладиган тузилмалардир. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Халқаро валюта фонди, Жаҳон савдо ташкилоти ва Жаҳон Банки каби давлатлар

томонидан имзоланган шартномалар асосида тузилган ва шунинг учун улар хукumatлараво институтлардир. Улар, ҳозирда, соғликни сақлашнинг глобал сиёсатидан тортиб, бутун дунёдаги пул-кредит сиёсатигача, ҳалқаро муаммоларга ечим топишда ва турли мухим соҳаларини бошқаришда ёрдам беради.

Ҳалқаро минтақавий ташкилотлар асосан бир минтақага мансуб бўлган давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини тартибга солиш мақсадида ташкил этилади ва қўпинча ташкилотга аъзолик чекланган тартибда амалга оширилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон кенг доирадаги хорижий шериклар билан дўстона, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришда мухим ютуқларга эришди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилган очиқ, конструктив ва амалий ташқи сиёсат дунёнинг деярли барча минтақалардаги давлатлар, шунингдек, етакчи ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар билан самарали алоқаларни сезиларли даражада мустаҳкамлашга имкон берди. Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида: “Биз хорижий мамлакатлар ва ҳалқаро тузилмалар билан амалий мулоқотни ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва амалий шерикликни кенгайтиришга бундан буён ҳам катта аҳамият қаратамиз”¹ – дея таъкидлаган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) каби минтақавий институтлар доирасида Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимиз 2019 йилда аъзо бўлган Туркий тилли давлатларнинг ҳамкорлик кенгаши (ТДҲК) фаолиятида иштирок этиши Тошкентнинг кўп томонлама дипломатиясининг янги йўналишига айланди².

Ўзбекистон томони кўп томонлама ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик воситаси деб билади. Бугунги кунда ШҲТ ўзини тўлақонли ва нуфузли ҳалқаро ташкилот сифатида қатъий шаклланди, деб айтиш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) –минтақавий ҳалқаро ташкилот бўлиб, 2001 йил Ўзбекистон Республикасининг “Шанхай бешлиги” деб аталмиш ташкилотга аъзо бўлиб кириши билан ташкил топганлиги ва ушбу

¹ Шавкат Мирзиёев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. 5.41

² Sobirov, J. Participation of Uzbekistan in The Cooperation Council of Turkic Speaking States. Scientific Collection «InterConf», (39): with the Proceedings of the 8th International Scientific and Practical Conference «Science and Practice: Implementation to Modern Society» (December 26-28, 2020). Manchester, Great Britain: Peal Press Ltd., 2020. 1851

ташаббус Республикамиз биринчи Президенти И.А. Каримов билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум. ШХТ ташкил топганидан сўнг асосий вазифа сифатида қўйидагиларни эълон қилди: хавфсизлик ва барқарорликни мустахкамлаш; терроризм, сепаратизм, экстремизм ва наркотрафикка қарши қурашиш; илм-фан ва маданий ҳамкорликларни ривожлантириш.

Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши қураш ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айнан ушбу уч ёвуз куч билан қурашиш ва бу йўлда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ШХТнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 10 ноябрдаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида нутқ сўзлар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз тараққиётининг принципиал жиҳатдан янги босқичида турганини алоҳида таъкидлаб ўтди³.

ШХТнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, мавъкеига кўра НАТОга ўхшаб ҳарбий блок эмас ёки АСЕАН сингари интеграцион ташкилот бўлмасдан, балки улар ўртасидаги бир ҳолатни ўзида мужассам этган ташкилот ҳисобланади.⁴

Охирги бир неча йиллар мобайнида халқаро муносабатлардаги ҳолатлар Осиё минтақасида ШХТ аъзо давлатларга ҳам таъсир этувчи муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Яқин Шарқ худудидан Марказий Осиё ва Жанубий Осиёга тарқалаётган террористик хавфларнинг мавжудлиги, ташкилотнинг кенгайиши масалаларининг якуний қарорга келишида асосий ва муҳим омил бўлди.

ШХТнинг стратегик мақсадлари:

Шанхай ташкилоти доирасида иқтисодий ҳамкорликнинг маҳсус ҳудудларини ташкил этиш;

Минтақавий хавфсизлик тизимини расмийлаштириш ва ҳар қандай контртеррористик ва тинчликпарвар ҳарбий ҳаракатларни ўтказишга тўлиқ тайёр туриш;

³ <https://president.uz/uz/lists/view/3937>

⁴ <https://textbooks.studio/uchebnik-mejdunarodnie-otnosheniya/osnovnyie-napravleniya-deyatelnosti20943.html>

Барча соҳаларда дунёning бошқа минтақалари билан тенг ҳукуқлик асосида муносабатларни амалга ошириш ва бошқа ташкилотларни ҳам ҳамкорликка жалб этиш.⁵

ШХТ тузилганидан буён аъзо давлатлар биринчи ўринни ички зиддиятларни ҳал этиш, экстремизм ва наркомафияга қарши курашишда консенсусга эришиш масаласига қаратдилар. Буларга далил сифатида биринчи навбатда Минтақавий Аксилтеррор Тузилмасининг ташкил этилиши (2004 йил) ва ундан сўнггина узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномасини тузилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

ШХТ Минтақавий аксилтеррорчилик тузилмаси зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, маҳсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юклатилди. Ушбу тузилма ҳарбий харакатлар олиб бориш учун эмас, балки минтақавий хавфсизликни таъминлаш, хусусан, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, терроризм, сепаратизм ва экстремизм фаолиятига алоқадор шахсларнинг қидируви, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва ҳалқаро террорчиликни молиялаштириш ва бошқа жиноий унсурларга қарши курашда ёрдам қўрсатишдан иборат.⁶

ШХТ ташкил топгандан буён аъзо давлатлар ўртасидаги хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик ривожланишига ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро биргаликда ўтказаётган терроризмга қарши курашиш бўйича ўкув машғулотларини қўрсатиб ўтишимиз мумкин. 2002 йилдан бошлаб аъзо давлатлар қуролли кучлари ва ҳукуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан биргаликда бир қанча икки томонлама ва қўп томонлама аксилтеррор ўкув машғулотлари ўтказилди. Ушбу машғулотларнинг ўтказилиши ҳарбий соҳада ва хавфсизлик борасида ўзаро ишончни мустаҳкамлади, шу билан бирга янги таҳдидлар ва хавфларга биргаликда қарши курашиш имкониятларини оширди.

2007 йил августда Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ўзаро биргаликда “2007-Тинчлик миссияси” деб ном олган аксилтеррор ўкув машғулоти ўтказдилар. У ўзининг кўламига кўра ШХТ доирасида ўтказилган

⁵ Клименко А.Ф. Стратегия развития Шанхайской организации сотрудничества: проблема обороны и безопасности. – М.: Институт Дальнего Востока РАН, 2009. – С 254.

⁶ Хамраев Б. Ўзбекистоннинг ШХТ доирасида хавфсизликни таъминлаш ва террорчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги, XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирилиги миқёсида илмий-амалий конференция материаллари тўплами (Тошкент, 2018 йил 12 май)/ Масъул мухаррир: Ш.А.Ёвқочев. – Т.: ТошДШИ, 2018. – Б.100-106.

энг йирик ҳарбий ўқув машғулоти бўлди. Бундан ташқари 2010 йил Қозоғистонда, 2014 йил Хитойда, 2016 йил Қирғизистонда, 2017, 2018 йил Россияда икки томонлама ва кўп томонлама аксилтеррор ўқув машғулотлари ўтказилди.

Яна бир бор таъкидлаб ўтиш керак, ушбу ўқув машғулотларининг кўп бора ўтказилишига қарамасдан ШХТ ҳарбий блок эмас. Шу билан бирга айнан ҳарбий блок эмаслиги Ўзбекистоннинг манфаатларига мос келади ва бу қўллаб қувватланади.

ШХТга аъзо давлатлар дунёning турли минтақаларидағи бўлаётган конфликтли ҳолатларни фақатгина халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёр ва тамойилларига асосланган ҳолда сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этиш тарафдоридир.

ШХТ фаолияти фақатгина сиёсий ва ҳарбий масалаларни ҳал этиш билан чекланиб қолгани йўқ. Ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорликнинг хам муваффақиятли ривожланаётганлиги кузатилмоқда. 2016 йил 2 марта Москвада ўтказилган форумда Евросиё Иқтисодий Иттифоқи ва ШХТ давлатлари иқтисодий минтақавий ҳамкорлиги тўғрисида шартнома тайёрланаётганлигини эълон қилдилар.⁷ Ташкилотнинг иқтисодий ҳамкорлиги қўйидаги йўналишларга асосланади: минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг турли қўринишларига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин харакатланиши учун савдо ва инвестициялар учун энг мақбул шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация соҳасидаги мавжуд инфраструктуралардан самарали фойдаланиш, ШХТга аъзо давлатлар транзит имкониятлари такомиллаштириш, энергетика тизимини ривожлантириш кабилар ташкил этади.

Иқтисодий нуқтаи назардан, ШХТга аъзоликка барча номзод давлатлар учун энергетика соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилиш ўзига жалб этувчи омил ҳисобланади. Хусусан, Шанхай ташкилоти доирасида энергетик соҳага тааллуқли бўлган хавфсизлик тизими муҳим омил бўлиши кутилган, ва оҳирги бир неча йиллар мобайнида эълон қилиб борилган ШХТ Энергетик клубига кўпгина Осиё давлатлари иштирок этиш ҳохишини билдиришмоқда. Иқтисодий ва географик имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда,

⁷ Тимошенко В.Н. Шанхайская организация сотрудничества: восток против запада? Электронное научное издание «Ученые заметки ТОГУ»2017, Том 8, № 1(2), С. 38 – 44

умумий бозорни шакллантириш ШХТ аъзо давлатларга эркин савдо ҳудудини шакллантириш имкониятини яратади.⁸

ШХТнинг аъзоларининг сонини ўсиши ташкилот умумий бозорининг кенгайишига олиб келди. Ташкилот доирасида олға сурилаётган ташаббуслар ҳисобига янги чақиравларга муносиб жавоб қайтариш имконияти яратилмоқда. Ушбу ҳолат капитал жамғармалари ҳимояси масаласига, ишлаб чиқариш меъёрларини биргаликда ишлаб чиқишига ва товарларнинг чегаралараро ҳаракати жараёнини оптималлаштиришга тааллуқлидир. ШХТ таркибининг кенгайиши ва янги аъзолар мақсадларининг ўзаро муштараклиги ташкилот доирасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини белгилаб беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, ШХТ тузилганидан буён аъзо давлатлар биринчи ўринни ички зиддиятларни ҳал этиш, экстремизм ва наркомафияга қарши курашишда консенсусга эришиш масаласига қаратдилар. Айнан шуларни бартараф этгандан сўнгина минтақада барқарорликка эришиш мумкин. Шу билан бирга, ШХТга аъзо давлатлар дунёning турли минтақаларидаги бўлаётган конфликтли ҳолатларни фақатгина халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёр ва тамойилларига асосланган ҳолда сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этиш тарафдоридир.

⁸ Кулинцев Ю.В. Расширение состава шос и мотивы новых участников. Проблемы и перспективы реализации инициативы «Экономический пояс Шелкового пути» в контексте ШОС / отв. ред.сост. В.А. Матвеев. — М. ИДВ РАН, 2017. — С 94.